



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ

Раджабова Маликахон Обиджон қизи

Тошкент Молия Институтини Магистратура

1-курс босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7981466>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 23-May 2023 yil

Ma'qullandi: 26-May 2023 yil

Nashr qilindi: 29-May 2023 yil

KEY WORDS

рақамлаштириш, электрон
тижорат, логистика
йуналишлари буйича,
электрон тижоратни
бошқариш механизмлари, Big
data технологияси,
электрон тўловлар, ахборот
коммуникация
технологиялари, интернет,
ривожланган давлатлар,
тажрибаси, муаммолар..

ABSTRACT

Жаҳон тажрибаси, ҳамда рақамлаштиришда эришилаётган натижалар Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини рақамлаштириш, маълумотлар алмашинувини кескинлигини таъминлаш, шунингдек, булутли технологиялар, сунъий интеллект ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологиялари "Big Data"ни қўллаш замон талаби бўлиб келмоқда. Иқтисодиёт тармоқларининг рақамлаштириш энг аввало тадбиркорлик фаолият турларини ҳам рақамли маконга кўчириш имконини беради.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни бошқариш, ислоҳ қилиш механизмлари, юзасидан, шунингдек, электрон тижоратнинг ҳуқуқий баҳо ҳамда қонуний таҳлили, юзасидан сўз юритилади. Ушбу мақоланинг бошқа мақолалардан устунлик тарафлари бир қанча, хусусан, ушбу мақола амалий ишларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда соҳа эгалари ва етакчилари билан тўғридан-тўғри суҳбат орқали йиғилган тажрибалар, республикадаги электрон тижорат бозорининг йирик иштирокчилари билан мулоқот орқали йиғилган маълумотлар асосида ёзилган. Бундан ташқари, ушбу мақола бевосита нейтрал перспектива асосида, яратилган қонунчилик фундаментининг эришилган натижаларга қанчалик таъсири, шунингдек, бу борада АҚШ, Европа Иттифоқининг қатор халқаро ҳамкорлик ташкилотларининг тутган ўрни акс эттирилган.

Бугунги кунда, рақамлаштиришга оид қатор технологияларнинг жадал ривожланиши жаҳон иқтисодиётини ўзгартирди ва Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Сўнгги йилларда

мамлакатимизнинг турли соҳаларида, шу жумладан электрон тижоратда ҳам рақамлаштириш бўйича катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, рақамли ландшафт кенгайиб бориши билан ушбу секторнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун самарали электрон тижоратни бошқариш механизмини яратиш катта аҳамиятга эгадир. Биз ушбу мақолада Ўзбекистонда электрон тижоратнинг муаммолари ва имкониятлари кўриб чиқамиз. Бундан ташқари, электрон тижоратнинг ўсиш суръатларини, рағбатлантиришнинг самарали бошқарув механизмининг асосий элементлари муҳокама қилинади. Ҳозирги даврнинг муҳим масаласи, электрон тижоратнинг мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда янги иқтисодий муҳит шароитида содда, ишчан ва ҳаётий электрон тижорат стратегияси асосида, имкониятлардан самарали фойдаланиб энг юқори фойдалилик даражасига чиқиш ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шarti айнан шунда муҳассам, деб биламиз”.

Электрон тижоратга оид олиб борилаётган сиёсат, амалий ишлар ҳамда муаммолари, имкониятларининг ўрганишдан олдин, аввал электрон тижоратнинг ўзи нималига, унинг тарихига аниқлик киритишимиз муҳимдир. Ушбу мақолани ўқийётган ҳар бир ўқувчи электрон тижорат интернетда маълумотлар алмашинуви жадаллашган бир вақтда, умумжаҳон интернет тармоғига уланиш, фойдаланиш нархи арзонлаштирилганда ривожлана бошлаган деб ўйлаши мумкин табиий ҳол, лекин унинг тарихи ўтган асрнинг 70 йиллари охиридан бошланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

1979 йил инглиз ихтироچиси Майкл Олдрич ўзининг янги ихтиросини, яъни телефон ҳамда телевизор алоқаларининг бирлаштирган тизимини оммага намойиш этди. Унинг ўзи бу ихтирони “телемагазин” деб номлаган. Унинг тизими маҳсулот ва хизматларни телевединенияда реклама қилиш билан бир қаторда, томошабинларга ушбу маҳсулот ва хизматларни кўнғироқ орқали буюртма бериш имконини берган. Харидорларнинг кўнғироқларини процессинг марказидаги махсус операторлар қабул қилган. Ушбу ихтиро электрон коммерцияни кашф қилган. Электрон тижорат ва унинг моҳияти кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб чиқилган бўлиб, улардан А.В Юрасов, Ж.С.Вестланд, Т.К.Кларк, Д.Козьелар электрон тижорат ва унинг моҳиятини, М.Рамзаев, П.Чужанов, В.Тарасовлар электрон тижоратнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар иқтисодиётидаги ўрни, В.В Сенкевин, Н.И. Геращенко ва бошқалар электрон тижоратни бошқаришда давлатнинг роли бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Шунингдек, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш масалаларива истиқболлари бўйича А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов, М.М.Махмудов, Т.К.Иминов, Н.Юсупова, Б.Эргашев, С.Авганбаев, Р.И. Исаев, А.Р. Валиев ва бошқалар илмий тадқиқот ишларида кўриб чиқганлар.

Электрон тижоратнинг асл моҳияти эса электрон маълумот ташувчи мосламалар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш ва моддий фойда кўра олишдир. Ҳозирги кунда электрон тижоратнинг аксарият турлари интернет тармоқларида, махсус платформаларда (электрон магазин, электрон

биржа, е-тендер, е-танлаш ва ҳк.) амалга оширилади. Электрон тижоратнинг ривожланишининг асосий омилларидан бири деб интернет тармоғидан оммавий тарзда жуда арзон нархларда фойдаланиш имкони яратилди деб юқорида қайд этган бўлсак-да, уни келгусидаги ривожланиш тенденцияси ва вектори асосан иккита муҳим олмига боғлиқдир. Биринчи маҳсулот ва хизматларни етказиб бериш воситаларининг тури, ва нархи бўлса, иккинчиси эса тўлов тизимларининг турлари ва амалга ошириш тартиб-тамоилининг қанчалик соддалаштирилганлига боғлиқ бўлади.

Республикамызда олиб борилаётган ижтимоий ва сиёсий ислохотлар иқтисодиётни рақамлаштиришда сезиларли натижалар берди. Хусусан, ҳукуматнинг рақамли инфратузилмани яхшилаш, интернетга киришни кенгайтириш ҳамда рақамли саводхонликни ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар ҳисобига янги миллий маркетплейслар, онлайн тўлов технологиялари, турли мобил тўлов тизимлари қаби қатор янгиликлар электрон тижоратнинг жадал суръатда ривожланишига яхши имкон яратди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ўз навбатида, сўнгги йилларда жадаллашиб бораётган электрон тижоратнинг оммавийлашишига мустаҳкам пойдевор бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг рақамли трансформацияси:

Ўзбекистон ўз иқтисодиётини рақамлаштиришда улкан ютуқларга еришди, бу ҳукуматнинг рақамли инфратузилмани яхшилаш, Интернетга киришни кенгайтириш ва рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича ташаббусларидан далолат беради. Ушбу саъй-ҳаракатлар сўнгги йилларда тезлашиб бораётган электрон тижоратнинг ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Бундан ташқари, рақамлаштиришган оид бўлган ҳамда электрон тижоратни ривожланишига хизмат қилувчи қатор қонун ҳужжатларни ишлаб чиқилиши мазкур соҳада ҳуқуқий асосни яратилишига ва истеъмолчилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатни мустаҳкамланишиги олиб келди.

Хусусан, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (2019): ушбу қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди ва истеъмолчилар ва электрон тижорат корхоналари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Бу истеъмолчилар ҳуқуқлари, маҳсулот хавфсизлиги, кафолатлар, реклама стандартлари ва истеъмолчиларнинг низоларини ҳал қилиш механизмларига қаратилган.

Шунингдек, 2019 йил 2 июлдаги “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги 547-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши Ўзбекистонда шахсий маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва ҳимоя қилишни тартибга солинишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида, электрон тижорат корхоналари истеъмолчилар маълумотларини масъулиятлилиги ва махфийлик қоидаларига мувофиқлигини таъминлади.

Шу билан бир қаторда, 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўлов тизимлари тўғрисидаги” 578-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, республикада тўлов тизимларини тартибга солиш, онлайн тўлов хизматларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга олиб келди. Мазкур Қонун тўлов хизматларини етказиб берувчиларга қўйиладиган талаблар, транзакциялар хавфсизлиги стандартлари ва низоларни ҳал қилиш механизмлари кўрсатилган.

Бундан ташқари, 2022 йил 29 сентябрдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги 792-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилиниши тижорат операциялари учун кенг қамровли ҳуқуқий базани тақдим этиб, онлайн шартномалар, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк ҳуқуқлари, электрон имзолар, махфийлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш, низоларни ҳал қилиш механизмлари каби соҳаларни қамраб олди. Ушбу Қонун электрон тижорат операциялари шаффоф ва хавфсиз тарзда амалга оширилишини таъминлашга олиб келди.

Электрон тижоратни бошқаришнинг самарали механизмини яратишга қаратилган сўй ҳаракатлар маҳсули сифатида электрон тижоратда ҳамда умумий кўламда Ўзбекистонга истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ёрдам берадиган ишончли бошқарув механизми зарур. Электрон тижоратни бошқаришнинг самарали механизмини яратишга ёрдам берадиган бир нечта асосий инструментларни қўллана бошланди. Шунга қармасдан, республикамизда мазкур соҳани ривожлантириш учун бир қанча амалга ошириладиган ишлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Электрон тижоратни янада такомиллаштиришнинг асосий омилларидан бири республикада истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлайдиган мустақкам бошқарув механизмига яратиш бўлса, Рақамли тижоратни самарали бошқариш, уни ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган асосий элементлар этиб қуйидагиларни белгилашимиз мумкин:

1. **Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** - истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, махфийлик, маълумотлар хавфсизлиги ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари каби ҳуқуқий жиҳатларни қамраб олувчи электрон тижоратга хос кенг қамровли қонунлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш. Аниқ кўрсатмалар ва унификациялаштирилган стандартлар, адолатли рақобатни рағбатлантириши ва истеъмолчилар ва корхоналар ўртасида ишончли оширишга қаратилган сўй-ҳаракатларни амалга ошириш;

2. **Тўлов инфратузилмаси ислоҳ қилиш** - харидорлар ва сотувчилар учун қулай ва хавфсиз операцияларни таъминлаш учун мобиль ҳамёнлар ва хавфсиз онлайн тўлов шлюзлари каби рақамли тўлов тизимларини кенгайтириш. Молия институтлари ва “финтеч” компаниялари билан ҳамкорлик ишончли ва инклюзив тўлов экотизимини яратишга ёрдам беради.

3. **Логистика ва етказиб беришни оптималлаштириш** – рақамли тижоратда фаолият юритаётган турли тижорат платформалари буюртмаларининг самарали етказиб берилиши ҳамда мижоз ва етказиб берувчи ўртасидаги тузилган шартнома шартларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун логистика инфратузилмасини ва таъминот занжири (supply chain ҳамда vendor тизимлари)ни яратиш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш орқали логистика хизмати провайдерлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва кузатув (tracking) тизимларини жорий қилишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқда ҳамда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, электрон тижоратни ривожлантириш

устувор йўналиш қилиб белгиланган. Электрон тижорат тушунчаси фақатгина биз биладиган электрон воситалар орқали савдо-сотик фаолиятини билдирмайди. Бу тушунчага яна товар ва хизматларга талабни яратиш, савдо амалга оширилгандан сўнг миждозларга қўшимча хизматлар кўрсатиш, ҳамкорлар орасида ўзаро ҳаракатларни енгиллаштиришлар ҳам киради. Электрон тижоратда давлат, хом-ашё етказиб берувчилар, сотувчилар, истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар иштирок этиши мумкин. Электрон тижорат корпоратив, интернет, ва тижорат тармоқлари ичида амалга оширилади. Интернет электрон тижоратнинг бутун дунёда тарқалиши учун қулай замин яратган бўлсада, электрон тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллаб олмайди. Бироқ айнан интернет электрон тижорат ривожланишига катта туртки бўлди ва нафақат катта корпорациялар, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ва алоҳида шахсларга ҳам ушбу тижоратнинг бевосита иштирокчисига айланиш имконини берди. Натижада мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари юқори даражада рақамлаштирилди, интернетга уланиш тезлиги мутассил равишда ўсиб борди ва улардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратилди.

«Big Data» атамаси «катта маълумотлар» деган маънони билдириб, уни биринчи марта 2008 йилда «Nature» журналининг муҳаррири Клиффорд Линч ишлатган. У дунёда ахборот ҳажмларининг жадал суръатларда ўсиши ҳақида гапириб, фақатгина янги воситалар ва янада илғор технологиялар уларни ўзлаштиришга ёрдам беришини таъкидлаган. Линч «катта маълумотлар»га суткасига 150 Gb ҳажмда бўлган ҳар қандай кўринишдаги маълумотлар тегишли деб ҳисоблайди, аммо ҳанузгача маълумотларни ягона ўлчов бирлиги мавжуд эмас. Дунёда рақамланган маълумотлар ҳажми тинимсиз ўсиб бормоқда. Бугунги кунда «Big Data» технологиялари бозорида АҚШнинг Amazon.com, Inc., IBM, Microsoft, Oracle, Dell Technologies, Cisco Systems, Inc., Cloudera, Inc., Salesforce.com, Inc., Teradata, Tableau Software, Hewlett-Packard, Prolifics, Inc., Xplenty, Clairvoyant, Teradata, EquBot Inc., Dell Technologies, VMware, Inc. Databrix корпорациялари ва SAS институти, Германиянинг SAP SE ва Software AG, Япониянинг Fujitsu Limited ва CMIC Co., Ltd., Ҳиндистоннинг Infosys Limited, Хитойнинг Huawei Technologies Co., Ltd. ва Буюк Британиянинг Deloitte Touche Tohmatsu Limited компаниялари етакчилик қилмоқда.

2022 йилда мамлакатларнинг глобал йирик маълумотлар ва бизнес-таҳлил бозоридаги улуши: АҚШ – 51%; Япония – 5,7%; Хитой – 5,5% Буюк Британия – 5,1%; Германия – 4,4%; бошқалар – 28,3%. «Катта маълумотлар»нинг келажаги таҳлилчиларни талаб қилади. Катта маълумотлар ҳажми ўсишда давом этар экан, унга шўнғиш ва амалий тушунчаларни олиш учун ўқитилган маълумотлар таҳлилчиларига эҳтиёж ортиб бормоқда. «Катта маълумотлар» таҳлили молия, ҳукумат ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ўзгаришлар яратиш учун ажойиб имкониятларни тақдим этади, шунингдек, фирибгарликнинг олдини олиш, табиий офат юз берганда ресурсларни тақсимлаш ёки соғлиқни сақлашни яхшилаш орқали одамлар ҳаётини ўзгартиришга ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодиётини рақамлаштиришга қаратилган сиёсий йўналиш, электрон тижоратни ривожлантириш учун катта имкониятларни очиб берди.

Электрон тижоратни бошқаришнинг самарали механизмини жорий этиш орқали вужудга келаётган қийинчиликлар ва тўсиқларни бартараф этилиши, инновацияларни рағбатлантиришда давлат кўмаги ва рақамли тижоратни бошқарув тизимларини ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Ҳукумат, хусусий сектор ва бошқа манфаатдор томонлар билан кенг қамровли меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, тўлов инфратузилмасини яхшилаш, логистика ва етказиб беришни оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бериб келмоқда. Ушбу мақолада инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ахборот ва интернет технологиялари иқтисодий юксалишнинг муҳим фактори сифатида ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг жорий этилмоқда. Шу боис, электрон тижорат ривож топиб, глобал иқтисодий фаолликнинг асосига айланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш ҳозирги кунда кўпчилик давлатлар ижтимоийиқтисодий тараққиёт дастурининг асосий мазмунини ташкил этади. Жаҳон бозорларида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, маҳсулотларнинг савдо жараёнларни қўллаб-қувватлашни, жараёндаги электрон тўловларни ҳар томонлама қулай амалга ошириш устувор аҳамият касб этади. Электрон тижоратдан тўғри фойдаланиш, унинг самарасини янада ошириш, электрон тижорат жараёнларини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Электрон тижорат асосий фойда берадиган жиҳати у иқтисодий самарадорликни оширади. Иқтисодий самарадорликни оширишда электрон тижоратнинг қуйидаги жиҳатлари билан ёрдам беради:

- Электрон тижорат орқали вақтни анчага тежаш
- Электрон тижорат иштирокчиларининг фаолиятини тезкор ва анча тежаш имкониятини беради;
- Глобал ахборот алмашишнинг кам харажатли усули ҳисобланади;
- Анча кам харажатли усуллардан ҳисобланади;
- Истеъмолчиларга кам харажат ва кам вақт ҳамда қулайлик билан хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Юқоридаги сабаблардан кўриш мумкинки, электрон тижорат харажатларни асосан камайтиради ва харажатларни пасайишига таъсир қилади. Бозор иқтисодиётида фирмалар иқтисодий самарадорликни оширишга ҳаракат қиладилар. Бу нарса электрон тижоратга эҳтиёжни янада ортиради. Тўлов тизимларнинг ўзгариши ҳам электрон тижоратнинг ривожланишига анча таъсир қилди. Иқтисодда пул массасининг ошиши, пул ҳаракатининг тезлаши, пулнинг ҳаракат географиясининг кенгайиши электрон тўлов системаларига эҳтиёжни яратди. Ҳозирда АҚШ да мавжуд пулларнинг 90 % ига яқини электрон кўринишга эга. Бундан кўриниб турибдики, электрон тўлов системаларга талаб электрон тижоратнинг ривожланишига сезиларли таъсир қилди. Рақамли технологиялардан фойдаланиш бораси аҳоли орасида кўникмаларни, ишонч ва хавфсизлик каби асосий факторларга биринчи навбатда эътибор берилиши республикада мазкур соҳани янада ривожланишига хизмат қилади. Шундай қилиб, Ўзбекистон электрон тижоратнинг барча имкониятларини очиши, иқтисодий ривожланишни бошқариши ва глобализация ва рақамлаштириш даврида фуқароларнинг яшаш тарзини ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «электрон тижорат тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2022 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-792-сонли қарор
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ сўзи", 2018 йил 15 майдаги маърузасидан
3. Egerev I.A. Ishbilarmonlik qiymati: menejment san'ati. - M.: Delo, 2013 yil.
4. Abulqosimov HP, Pahimova D. va boshqalar. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish. T .: G.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2007 y
5. O'zbekiston Respublikasi "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни 6 январь 2012 й
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning "Xalq so'zi" ma'ruzasidan, 2018 yil 15 may
7. Sh.M.Mirziyoevning 2018 yil 28 dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi
8. O'zbekiston: jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi, innovatsion taraqqiyot va milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirish /O'zR FAI iqtisodiyot instituti; A.F.Rasulevning tahriri ostida, - T.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011
9. <https://psyera.ru/4580/principy-i-metody-upravleniya>
10. http://infomanagement.ru/lekciya/Principi_upravleniy



INNOVATIVE
ACADEMY